

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-2**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2022**

**Бош муҳаррир:***Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Таҳрир хайати:***Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.**Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.**Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.**Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.**Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.**Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.**Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.**Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.**Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.**Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.**Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.**Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.**Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.**Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.**Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.**Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.**Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.**Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.**Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д.,**Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.**Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.**Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.**Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.**Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.**Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.**Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.**Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.**Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.**Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д. акад**Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.**Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.**Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.**Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.**Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.**Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.**Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.**Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.**Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№1 (85), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 489 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

## МУНДАРИЖА

**КИШЛОҚ ХУЖАЛИК ФАНЛАРИ**

Alimbetov D.Y. Janubiy orolbo'yi sharoitida qo'riq yerlarda tariq ( <i>Panicum miliaceum</i> L.) yetishtirish.....	4
Абдумунинова Р. Н., Буляев З. К., Маллаева М. М. Шафтоли ўсимлигининг мева сифатига агрофакторларнинг таъсирини тадқиқ этиш .....	8
Доллидудко А.И., Рахимова М.Н. Планирование ремонтно-восстановительных работ открытогоколлектора шурузяк с целью улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель.....	13
Abdumuminova R. N., Kushmatova D. E, Utamurodova N.A.Jamoat salomatligini saqlashda tuproqni og'ir metallar bilan ifloslanishini tadqiq etish.....	20
Файзиев Ж. Сут хом ашёси сифат ва хавфсизлиги назоратини ташкил этиш .....	28

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

Саидназаров Ф.А. Янги ўзбекистон гидроэнергетика корхоналари ривожланишининг молиявий стратегияси .....	37
---	----

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

Аткамова С.А. Фразеологизмы, выраженные метафорой в газетном тексте .....	46
Аткамова С.А. Фразеологизмы, как средства отражения национальной культуры в медиатексте .....	48
Aminova G. R. Specific politeness principles and tendencies in communication .....	54
Eshankulov D.X. Zamonaviy lug'atlarning yaratilishi va uning lingvistik asosi.....	58
Pulatova D. Z. Innovative methods of teaching the Uzbek language to the foreign students .....	61
Файзиева Н. Модулли таълимнинг қисқача тарихи ва "модул" тушунчаси .....	64
Usmanova Z.J. Linguistic and cultural approach to teaching foreigners the Uzbek language .....	67
Kabilova Z. Psycholinguistics as an interdisciplinary science .....	70
Sagdiyeva G.J. Color picture of the world in the English, Russian and Uzbek languages .....	74
Amanova F.F. Sociolinguistic aspects in teaching English.....	78
Musayeva S.X. The process of teaching students the skill of problem solving in the classroom .....	80
Dehkanova D.T. The potential of flipped classroom technology in the context of teaching foreign languages .....	83
Ахмедова П. А. Истоки зарождения приключенческого жанра в России в детском и юношеском чтении .....	88
Хасанов Б.С. Особенности фразеологических единиц современного английского языка.....	92
Полуанова Х. Д. Методы обучения грамматике младших школьников .....	94
Kaipbergenova D.O. Assimilation of inductive and deductive technique to educate grammar the students with B1 level .....	97
Насирова Р.А. К вопросу об интерпретации выразительных возможностей фразеологических единиц с именем собственным.....	99
Muxammadjonova N.I. Use of multimedia electronic means to increase the effectiveness of English lessons .....	103
Urakova N.A. Cognitive linguistics in the system of sciences .....	105
Tursunova G.N. The componential and stylistic peculiarities of phraseological units characterizing intellectual human abilities .....	108
Madaminova U.R. Linguistic methods for investigating concepts in use.....	111
Bekkulova X.Z. Differentiation instruction as a tool for effective teaching and learning .....	115
Бегматов К. М Иккинчи чет тили (немис тили) ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги .....	119
Ibragimova Z.N. Formation of foreign language phonetic skills of students.....	125
Абдуназарова Н.Е. Узбек тилида дунёнинг лингвистик тасвирида "дўстлик" тушунчасининг вербализацияси .....	127
Arifova O.T. Media and communications in Turkey .....	130
Алимухаммедова Х.Р. Оламнинг лисоний манзарасида инсон хулқ-атворининг ифода этилиши .....	133
Avezova N.S. Лексик типология ва тана аъзолари харакатини ифодаловчи атамалар хусусида .....	136
Fayziva D.U. Improving the speaking ability in English: The students' perspective.....	141
Turdaliyev D. E Tashniyozova Sh.X. Organiladigan ikkinchi til va tilni bilish darajasini ko'rsatadigan tadqiqotlar .....	144
Мадумарова М. Дж. Нолисоний воситалар орқали ифодаланадиган танбехлар тахлили .....	144
Махаммадқуллов Х.М. A direct method for teaching Arabic language in Uzbekistan .....	152
Гилязетдинов Э. З. Межкультурный контекст обучения английскому языку студентов-переводчиков на основе интегрированного подхода организации общественно-политического дискурса .....	155
Khujanova M. I. Yuldashev Sh Communicative approach in teaching a foreign language .....	160
Azizova F.S. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларни миллий-маданий хусусиятлари ва уларни ўргатиш муаммолари .....	164
Sadikova O. S. The principle of collaborative learning in foreign language teaching .....	166
Махмудов М. М. Номинатив гапларнинг синтактик назарияда тутган ўрни хусусида .....	170
Abduhayeva U.N. The advantages of teaching English to the b1 (CEFR) level.....	173
Толибова Г.Р. Хорижий тил таълимида коммуникатив компетенция: тушунча ва моҳият .....	177
Muratova N.B. Pragmatic Functions of Modern English Phraseology.....	182
Ismatova M.A. The strategies of translating legal texts.....	187
Ortiqova I.Sh. Terminological and non-terminological vocabulary.....	194
Юлдашев А.Г. Ясама сўзларнинг концептуал асоси .....	195
Usmanova R. M. Innovative techniques of teaching vocabulary in the classroom .....	204
Mamataliyeva X.M. Using the Internet as an essential tool in TESOL .....	207
Сайдаматов И.Н. Инглиз ва ўзбек тилларида соматик компонентли фразеологик бирликлар тадқиқининг назарий асослари .....	212
Salimova N. M. The role of teaching vocabulary competence in English.....	215
Turaboyeva K. E. Methodology of teaching English language for non-native speakers .....	218
Умарова Н.А. XX аср 60-70 йилларида миср романнавислигидаги адабий жараёнлар .....	220
Жураева Н.Ш. Изучение лингвистических аспектов речевой деятельности .....	223
Шарафиддинов Х. Мақол қофиясининг структурал эволюцияси .....	226
Ташпулатова Ф.С. Перспективы развития испанского языка в понятии аудирования .....	228
Аманова Н.Ф., Особенности фразеологии английского языка в коннотативном аспекте .....	232

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

Pulatova Sh S Les problemes du perfectionnement du systeme de la formation du professeur des langues etrangeres .....	237
Турдикулова Р. Т., Хамракулова Б. А Проблемы испанского перфекта .....	243
Махмудова Н. М. К вопросу о грамматической метафоре в разговорной речи испанского языка .....	248
Умаров У.А. Форс халқ эртакларини ўрганиш ва уларнинг сюжет таркиби .....	251
Egamberdieva N National specificity of metaphor in the English and Uzbek languages .....	256
Yusupova Sh.A. Teaching reading strategies in English language .....	261
Umarova M.B. Theoretical substantiation of the use of game technologies in teaching listening in foreign language lessons.....	263
Achilova R.T. Educational innovations in conditions of modern higher education institution.....	266
Usmanova L.A. Metaphorization is as one of the concepts of information technology in the English language .....	269
Ibragimova Sh.B. Using an interactive approach in teaching speaking in English lessons at the intermediate stage .....	273
Boysariyeva F.T. Modern approach to teaching a foreign language .....	276
Bakhridinova N. S. Interactive technologies in teaching English language .....	278
Pulatov F.A. The importance of formation of communicative competence in ESP learners.....	281
Paluanova H. D Utilizing a traditional grammatical class of the words in order to teach speaking for intermediate grades .....	283
Turdaliyeva D.A. Innovative approaches in the teaching English language .....	287
Кубаев А.Э. Неъматов Н.И. Ахборот хавфсизлиги: асосий тушунчалар. Тахдидлар ва уларнинг турлари. Ахборот хавфсизлиги сисъати мавзусидаги маруза дарсни модул тизимида онлайн утиш .....	290
Буранова М.У. Теоретическое обоснование проблемы формирования навыков чтения .....	300
Ёрова С.К. Тиббиёт соҳасидаги коммуникацион муҳит. ....	302
Игамова Д.Н. Мультимедиа и академическое письмо .....	307
Алимова Ф.А. Информационная компетенция будущих преподавателей химии, как необходимый фактор в условиях цифровизации образования .....	310
Шарипов С.Ш. Бошланғич синф ўқитувчиларининг креатив салоҳиятини такомиллаштириш технологияси .....	315
Kudratov R.T. Development of management and tourism in Uzbekistan .....	317
Mo'minova O.Q. Talabalar yozma nutqini o'stirishda matn yaratish texnologiyasidan foydalanishtili .....	321

УДК 43 (07)  
КБК 81.2 НЕМ-9  
Б 37

## ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ (НЕМИС ТИЛИ) ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ- ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИ

*Бегматов Қ. М. Самарканд Давлат Чет Тиллар Институту,*

**Аннотация:** Ушбу мақола иккинчи чет тили (немис тили) ўқитувчисининг касбий - педагогик компетентлигини ёритиб беришга бағишланади. Унда ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг асосий йўллари аниқланган, қатор олимларнинг ушбу масала бўйича фикрлари келтирилган, немис тили дарсини таъкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, дарс методикасига қўйилган талаблари кўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** касбий компетентлик, педагогик мулоқот, касбий даража, инновацион фаолият, илмий - тадқиқот фаолияти, касбий фаолият.

**Аннотация:** Данная статья посвящена освещению профессионально-педагогической компетентности преподавателя второго иностранного (немецкого) языка. В ней определены основные пути развития профессиональной компетентности преподавателя, представлены соображения ряда учёных по данному вопросу, рассмотрены особенности организации занятия немецкого языка, требования поставленные к методике проведения занятия.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность, педагогическое общение, профессиональный уровень, инновационная деятельность, научно - исследовательская деятельность, профессиональная деятельность.

**Annotation:** This article is devoted to highlighting of the professional and pedagogical competence of the second foreign (German) language teacher. It defines the main ways of developing of the teacher from professional competence, it presents the views of some scientists about this issue and it considers the features of the organizing of German language lesson and set of requirements for the methodology of the lesson.

**Keywords:** professional competence, pedagogical communication, professional level and activity, innovative activity, research activity.

Ўқитувчининг касбий компетентлиги деганда муваффақиятли педагогик фаолият учун зарур бўлган касбий ва шахсий сифатлар мажмуи тушунилади. Касбий жиҳатдан баркамол педагогик фаолиятни, педагогик мулоқотни етарли даражада амалга оширувчи, талабаларни ўқитиш ва тарбиялашда изчил юқори натижаларга эришишни таъминловчи ўқитувчи ҳисобланади.

Касбий компетентликни ривожлантириш-ижодий шахсни ривожлантириш, педагогик инновацияларни қабул қилишни шакллантириш, ўзгарувчан педагогик муҳитга мослашиш қобилиятидир. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши бевосита ўқитувчининг касбий даражасига боғлиқ.

Замонавий таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини, яъни касбий компетентлигини оширишни зарур қилиб қўймоқда. Замонавий таълимнинг асосий мақсади-шахс, жамият ва давлатнинг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини қондириш, ўз мамлакати фуқаросининг жамиятда ижтимоий мослашишга, ишнинг бошланишига, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз - ўзини такомиллаштиришга қодир қўп қиррали шахсни тайёрлашдир. Шу сабабли инсонни замонавий, жадал ўзгарувчан дунёда

тарбиялашга қодир ўқитувчининг малакали, ижодий фикрли, рақобатбардош шахсига бўлган талаб ҳозирги кунда кескин ошиб кетмоқда.

Ҳозирги замон талаблари асосида ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг асосий йўллари куйидагича аниқлаш мумкин:

1. Услубий бирлашмаларда, ижодий гуруҳларда ишлаш;
2. Тадқиқот ва тажриба фаолияти;
3. Инновацион фаолият, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш;
4. Педагогик қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари;
5. Педагогик танловлар, маҳорат дарслари, анжуман ва фестивалларда фаол иштирок этиш;
6. Ўз педагогик тажрибасини ошириш;
7. Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

Лекин ўқитувчининг ўзи ўз касбий компетентлигини такомиллаштириш зарурлигини англаб етмаса, бу усулларнинг ҳеч бири самарали бўлмайди. Демак, мотивацияга бўлган эҳтиёж ва педагогик ўсиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш лозим. Ўқитувчи мустақил равишда ўз касбий сифатлари даражасини ошириш зарурлигини англаб етадиган шарт-шароитларни яратиш лозим. Ўз педагогик тажрибасини таҳлил қилиш ўқитувчининг касбий ўз-ўзини ривожланишини фаоллаштиради, натижада илмий-тадқиқот фаолияти кўникмалари ривожлантирилади, кейинчалик эса педагогик фаолиятга сингдирилади. Ўқитувчи олий таълим тараққиётини бошқариш жараёнида иштирок этиши лозим, бу эса унинг касбий маҳоратини оширишга ёрдам беради.

Касбий компетентликни ривожлантириш-касбий тажрибани ўзлаштириш ва модернизациялашнинг динамик жараёни бўлиб, индивидуал касбий сифатларни ривожлантиришга, касбий тажрибани тўплашга олиб келади, узлуксиз ривожланиш ва ўз-ўзини такомиллаштиришни ўз ичига олади.

Касбий компетентликни шакллантиришнинг куйидаги босқичларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ўз-ўзини кузатиш ва эҳтиёжни англаш;
- ўз-ўзини ривожлантиришни режалаштириш (мақсадлар, вазифалар, ечимлар);
- ўз-ўзини ифодалаш, таҳлил қилиш, ўз-ўзини тузатиш.

Касбий компетентликни шакллантириш маълум даврда такрорланиб турадиган жараёндир, чунки педагогик фаолият жараёнида доимо профессионализмни такомиллаштириш зарур ва ҳар сафар санаб ўтилган босқичлар такрорланиб туради, лекин янги сифатда намоён бўлади. Умуман олганда, ўз-ўзини ривожлантириш жараёни биологик шартланган бўлиб, онгли равишда ўз ҳаётини, демак, ўз ривожланишини ташкил этувчи шахснинг ижтимоийлашуви ва индивидуаллашуви билан боғлиқ. Касбий компетентликни шакллантириш жараёни ҳам атроф-муҳитга кучли боғлиқ, шунинг учун у касбий ўз-ўзини ривожлантиришни рағбатлантириши лозим бўлган муҳитдир. Олий таълимда демократик бошқарув тизими бўлиши керак. Бу ходимларни рағбатлантириш тизими ва педагогик мониторингнинг турли шакллари бўлиб, улар тажриба алмашиш, танловлар ва ўз ютуқларини тақдим этиш учун анкета, тест, интервью ва олий таълимда ўтказиладиган тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўқитувчининг касбий компетентлиги ҳақида гапирганда, ўқитувчининг портфолиосини яратиш ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Портфолио-касбий фаолиятнинг инъикоси бўлиб, уни шакллантириш жараёнида ўз-ўзига баҳо бериш рўй беради ва ўз-ўзини ривожлантириш зарурияти рўёбга чиқади. Порфолио ёрдамида ўқитувчи аттестацияси муаммоси ҳал этилади, чунки бу ерда касбий фаолият натижалари тўпланади ва умумлаштирилади.

Портфолио яратиш ўқитувчи фаолияти ва унинг касбий компетентлигини ривожлантириш учун яхши мотивацион асосдир.

Кўпгина тадқиқотчилар жумладан, И.А.Колесникова, Т.В.Ларина, К.С.Махмурян, Т.Н.Попова ва бошқалар касбий компетентликни ўрганиш масалалари билан шуғулланганлар:

Ушбу тадқиқотчиларнинг асарларида педагогик компетентликнинг қуйидаги жиҳатлари очиқ берилган:

- бошқариш аспекти: ўқитувчи таълим жараёнини ва талабалар билан муносабатларни қандай таҳлил қилади, режалаштиради, ташкил этади, назорат қилади, тартибга солади;

- психологик жиҳат: ўқитувчи шахси талабаларга қандай таъсир қилади, ўқитувчи талабаларнинг индивидуал қобилиятларини қандай ҳисобга олади;

- педагогик жиҳат: ўқитувчи талабаларга қандай шакл ва усуллар ёрдамида дарс беради.

Ўқитувчининг касбий компетентлиги-педагогик ва тарбиявий вазифаларни энг яхши ҳал этиш учун илмий-амалий билимларни таркиб топтириш кўникмалари мажмуидир.

Чет тили ўқитувчиси касбий компетентлигининг асосий кўрсаткичларига талабаларнинг коммуникатив ва шахслараро мулоқотини ривожлантириш қобилияти зарурлиги киради, уларнинг таркибий қисмлари лингвистик, тематик, ижтимоий-маданий, маърифий ва когнитив компетенциялар ҳисобланади.

Коммуникатив компетентлик нафақат бошқа одамлар билан ўзаро мулоқотга киришувчанлик, очиқлик каби шахсий сифатларни шакллантиришни, балки талабаларнинг амалий кўникмаларини, ўқув фаолиятини бошқариш қобилиятини ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчилик фаолиятида мулоқот муаммоларини ҳал этишда талабаларнинг мустақиллиги ва ижодкорлигини намоён бўлишига шароит яратишга ҳаракат қилинади, шу билан талабаларнинг ўсишини, ютуқларини кўриш имкони яратилади. Рефлексив компетенция-талабанинг ҳақиқий ўқув имкониятларига хос хусусият; ўқитувчи томонидан белгиланган вазифалар ва ўқув материалнинг мазмунига мувофиқ дарс турини аниқлаш, унинг мазмунини танлаш ва ўқитишнинг танланган усуллари ва методларини мақбуллигини асослаб бериш; яъни, чет тили ўқитувчисининг ўз-ўзини такомиллаштириш компетентлигининг воситаларидан бири дарсда ўз-ўзини таҳлил қилишдир. Ижодий онгни шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради, бу эса уларнинг фаолияти ва талабалар фаолиятини шакллантириш ва ўз олдига мақсад қўйиш қобилиятида намоён бўлади. Немис тили дарсини ташкил қилиш хусусиятларини кўриб чиқайлик. Мазкур дарсда ўз-ўзини кузатиш схемаси қуйидагилардан ташкил топади:

1. Ушбу дарснинг мавзу, бўлим, курсдаги ўрни қандай? Унинг олдингилари билан боғлиқлиги, уларга таяниши. Бу дарс кейинги дарслар учун қандай таъсир қилади?

2. Ушбу гуруҳда талабаларнинг реал тарбиявий имкониятлари қандай хусусиятга эга? Дарсни режалаштиришда талабаларнинг қандай хусусиятлари ҳисобга олинди? Умумтаълимий, махсус кўникмалар ташхисига таянилганми?

3. Дарсда қандай вазифаларни ҳал қиламан, ечаман:

- умумтаълим вазифалари;

- тарбиявий вазифалар;

- ривожлантирувчи вазифалар;

Асосий вазифалар, нималардан иборат эди, гуруҳ ва талабаларнинг алоҳида гуруҳлари хусусиятлари қандай ҳисобга олинди?

4. Танланган дарс тузилишининг тўғрилиги. Ўтилган мавзуни сўраш, янги материални ўрганиш, мустахкамлаш, уй вазифасини таҳлил қилиш учун вақт тақсимланишининг асослилиги. Дарснинг турли босқичлари ўртасидаги мантиқий боғланиш.

5. Дарснинг асосий мазмуни (тушунчалар, ғоялар, таклифлар, фактлар)

6. Асосий материални очиб бериш учун танланган таълим шакллари ва усуллари.

7. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштиришларини назорат қилиш ташкил этилиши. Амалга ошириш меъёрлари ва усуллари.

8. Дарсда синфдан қандай фойдаланилганлиги ва унинг имкониятлари. Ўқитишнинг техник воситаларидан, кўргазмалилик воситаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги.

9. Дарс давомида талабаларнинг юқори самарадорлиги таъминланиши.

10. Дарсда психологик муҳитнинг сақланиши, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги мулоқот маданияти.

11. Дарсда вақтдан оқилона фойдаланиш, ортиқча юкламанинг олдини олиш.

12. Кутилмаган вазиятлар учун режалаштирилган захира ҳаракатлари. Дарсни ўтказишнинг методик имкониятлари.

13. Қўйилган барча вазифаларни тўлиқ амалга ошириш. Амалга оширилмаган вазифалар бажарилишини режалаштириш.

Дарс жараёнида муваффақиятли ишлаш учун чет тили ўқитувчиси дарс мазмуни ва методикасига қўйиладиган талабларга риоя қилиши керак.

Иккинчи чет тили (немис тили) дарси мазмунига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат.

- Илмий ёндашув.

- Ҳар бир дарснинг тарбиявий ва ривожлантирувчи аҳамияти.

- Назария билан амалиётнинг боғлиқлигини амалга ошириш.

-Талабаларнинг гуруҳ бўлиб ва индивидуал иш олиб бориш жамоавий шакллари мазмуни.

- Талабаларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этиш.

- Ўқитувчи томонидан материални тақдим этиш талабаларининг мустақил ишлари билан уйғунлиги, уларни амалиётда қўллаш учун янги билим ва кўникмаларга эга бўлиш.

- Бутун гуруҳ ва алоҳида талабалар фаолияти устидан ўқитувчи томонидан оператив назоратнинг амалга оширилиши.

Иккинчи чет тили (немис тили) дарси методикасига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

-Дарснинг таъсирли қилишга ёрдам берадиган ўқитиш усуллари ва методлари, уларнинг тилни ўрганишга қизиқиш уйғотиши ва билим олишга бўлган эҳтиёжни кучайтириши;

- Дарснинг темпи ва ритмининг оптимал бўлиши, ўқитувчи ва талабаларнинг тугаллаган ҳаракатлари;

- Ўқитувчи ва талабалар ўртасида тўлиқ алоқа ва педагогик назоратнинг мавжудлиги.

- Дўстона ва фаол ижодий иш муҳитини яратиш;

- Талабаларнинг фаолият турларини алмаштириб туриш, турли хил ўқитиш усуллари ва методларини мослаштириш;

-Дарснинг кўпчилик қисмида талабалар билим ва кўникмаларни ўзлаштириш устида фаол иш олиб боришлари;

- Бутун дарс жараёнини ўқитувчи томонидан бошқарилиши.

Чет тили дарсида талаба фаолиятининг муваффақияти ўқитувчининг ўқиш ва ўз-ўзини ўрганишга мотивацион асосни қай даражада қўйганига боғлиқ бўлади. Чет тили ўқитувчисининг ахборот-технологик компетентлиги бунда катта роль ўйнайди. Бу

компетентликнинг кўрсаткичлари зарур маълумотларни излаб топиш ва тезда қайта ишлаш, замонавий ўқитиш технологияларини эгаллаш мақсадида компьютердан самарали фойдаланиш эканлиги билан белгиланади.

И. А. Зимная томонидан ишлаб чиқилган таснифни кўриб чиқайлик.

У қуйидагиларни таъкидлаб ўтади:

- ўзаро маданий таъсир;
- она ва чет тиллари маданиятини ўзлаштириш, тил ва нутқни ўстириш;
- ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини тартибга солиш ва ўз-ўзини ривожлантириш;
- ижтимоий, шахсий ва фаолият рефлексияларини акс эттириш;
- зарур маълумотларни топиш ва тез қайта ишлаш мақсадида компьютер саводхонлигини ўзлаштириш;

- чет тили ўқитувчисининг ўқув-билиш фаолиятида замонавий ахборот технологияларини қўллаш.

Шундай қилиб, ўқитувчининг малакаси профессионализм (махсус, методик, психологик ва педагогик тайёргарлик), ижодкорлик (муносабатлар ижодкорлиги, ўқув жараёнининг ўзи, воситалар, методлар, ўқитиш усулларида оптимал фойдаланиш) ва санъат (актёрлик ва нотиклик)нинг синтезидир. Бугунги кунда эса билимларнинг оддий йиғиндисидан баркамол касб-хунарни шакллантириш мумкин эмаслиги, ҳозирги авлодга таълим беришда ўқитувчи катта масъулият ҳиссига эга бўлиши лозимлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Замонавий немис тили дарсини муваффақиятли ташкил этиш фақат қуйидаги маълум қоидаларга амал қилингандагина амалга оширилиши мумкин:

- дарс мақсадларини аниқлаш (Ziel der Stunde);
- дарс турини белгилаш (Typ der Stunde);
- дарс турини аниқлаштириш (Art der Stunde);
- қўйилган мақсадларга мувофиқ ўқитиш усуллари ва методларини танлаш (Unterrichtsmethoden);

- ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, мазмуни ва усулларига мос келадиган дарс тузилишини (Struktur der Stunde ) аниқлаш.

Машғулотнинг мақсади талабаларнинг янги тушунча ва ҳаракат йўлларини, илмий билимлар тизимини шакллантиришни ўз ичига олади.

Таълим мақсади талабаларда муайян шахс хусусиятлари ва характер хислатларини шакллантиришни ўз ичига олади.

- ватанпарварлик тарбияси (Heimatliebe);
- байналминалчилик таълими (Internationale Erziehung);
- инсонийлик тарбияси (Humanistische Erziehung);
- ўқитиш мотивларини тарбиялаш, билимга ижобий муносабат (Motivation);
- интизом тарбияси (Erziehung der Disziplin);
- эстетик қарашларни тарбиялаш (Ästhetische Erziehung).

Иккинчи чет тили (немис тили) ўқитувчиси ўз амалий фаолиятида қуйидаги дарс турларидан фойдаланиши мумкин:

- дарс-маъруза (Vorlesung);
- дарс-суҳбат (Gespräch);
- кинодарс (Kinostunde);
- амалий мустақил иш дарси (Selbständige Arbeit);
- амалий машғулот (Praktische Stunde);

- дарс-экскурсия (Exkursion);
- дарс-семинар (Seminarstunde);
- дидактик ўйинлар (Didaktische Spiele) ;
- вазиятни таҳлил қилиш (Analyse der Situation);
- оғзаки ва ёзма сўров (Mündliches und schriftliches Fragen);
- о) назорат ишлари (Kontrollarbeit);
- п) имтиҳон (Prüfung).

Дарсни ташкил этишнинг навбатдаги қоидаси дарснинг тузилишини аниқлашдир. Дарснинг тузилиши дарс элементлари ўртасидаги ички муносабатларнинг барқарор тартиби сифатида тушунилиши лозим. Анъанавий дарснинг тузилиши ўқитувчининг ўз фаолияти мақсадига асосланганлиги учун (суҳбат, тушунтириш, тузатиш ва талабаларга вазифа бериш), таълимни ривожлантиришнинг ғоя ва тамойилларини амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд эмас. Энг асосийси, дарснинг анъанавий тузилиши ўқитувчига турли шакл, метод ва воситаларни қўллаш имкониятини бермаслиги мумкин. Маълумки, янги билимларнинг ҳар қандай шаклланиши янги билимларни фаоллаштириш ва олинган билимларни ўқув фаолиятида тизимли қўллашга асосланади.

Ўқитишни жозибадор қилиш учун дарсларни қизиқарли тарзда ўтказиш тавсия этилади. Бунга эса иккинчи чет тили (немис тили) ўқитувчисининг ўзи томонидан муаммоли саволлар, кроссвордлар, ўқув-билиш бўйича топшириқлар, слайд тақдимотлар, лойиҳалар шаклида яратилган қизиқарли ўқув воситаларидан фойдаланиш орқали эришилади.

### Адабиётлар

1. Бим И.Л. Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе, – М., 1988.
2. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси, Тошкент, 1996.
3. Зарипова Р.А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма, Тошкент, 1986.
4. Зимняя, И. А. Лингвопсихология речевой деятельности, – М.: НПО «МОДЭК», 2001. – 432 с.
5. Колесникова, И.А., Тамашевич, М.В. Профессионально – педагогическая компетентность учителя иностранного языка: характеристика и структура, Традиции и инновации в методике обучения иностранным языкам, – СПб.: КАРО, 2007. – С.77-84.
6. Ларина, Т.В. Межкультурная коммуникация и межкультурная коммуникативная компетенция, Иностранные языки в высшей школе, 2005. - № 1. – С. 47-51.
7. Махмурян, К.С. Структура, содержание и уровни профессиональной компетентности учителя иностранного языка, Сборник статей МГПУ, МИОО. – М., 2006. – С.72-79.
8. Попова, Т.Н. Педагогические условия формирования профессионально важных качеств у будущих учителей (на материале изучения иностранных языков). Дис. ...канд.пед.наук: 12.00.02. – Саратов, 2001. – 230 с.
9. Равен, Дж. Компетентность в современном обществе: Выявление, развитие и реализация, пер. с англ. – М.: Когнито-Центр, 2002. – 396 с.
10. Сериков, В.В. Компетентностный подход к разработке содержания образования: от идеи к образовательной программе, Известия Волгоград. гос. пед. ун-та. – 2003. – № 1(02). – С.7-13.
11. Соловова, Е.Н. Методика обучения иностранным языкам: базовый курс лекций, – М.: Просвещение, 2002. – 239 с.
12. Чернова, Н.И. Формирование лингвогуманитарной компетентности специалистов в системе высшего технического образования – М., 2007. – 49 с.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР  
АКАДЕМИЯСИ  
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

**№1 (85)**

**2022 й. январь**

Ўзбекча матн муҳаррири:  
Русча матн муҳаррири:  
Инглизча матн муҳаррири:  
Мусахҳих:  
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод  
Ҳасанов Шодлик  
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон  
Ўрозбоев Абдулла  
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 07.01.2022  
Босишга рухсат этилди: 12.01.2022.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.  
Ҳажми 20 б.т. Буюртма: № 1-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик  
бўлими 220900, Хива, Марказ-1  
Тел/факс: (0 362) 226-20-28  
E-mail: [mamun-axborotnoma@academy.uzxma](mailto:mamun-axborotnoma@academy.uzxma) [axborotnomasi@mail.ru](mailto:axborotnomasi@mail.ru)



**(+998) 97-458-28**